БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 191 (3673).

27 СЕНТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Ўқитиш ХИРМОНИГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 26 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	Бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими: Бир кунда	Машина терими: мавсум бошидан бери
Янгийўл	3,72	62,44	4,27	63,02
Оққўрғон	4,33	59,41	4,77	68,71
Юқори Чирчиқ	4,05	53,06	8,20	74,48
Бўка	1,81	49,81	2,37	60,99
Ўрта Чирчиқ	3,55	49,69	4,52	63,18
Оржоникидзе	3,23	44,06	4,64	29,00
Бекобод	0,19	28,62	0,23	29,56
Область бўйича:	2,93	51,35	3,59	59,69

ЮБИЛЕЙ МАЖБУРИЯТИ БАЖАРИЛДИ

Ихтисослашган 2-«Нижний Чирчиқ» совхозининг боғбонлари юбилей йили мажбуриятини бажардилар. Давлатга 1500 тонна олма, олхўри, олча ва шафтоли сотилди. Карим Эминов бошлиқ бригада мева сотиш юзасидан қарийб уч йиллик планни бажарди. Хўжалик меҳнаткашлари ўз боғларидан яна 500 тонна маҳсулот топшириш юзасидан оширилган мажбурият олдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1967 йил 26 сентябрда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет халқи фаровонлигини янада ошириш чоралари тўғрисида»ги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленум СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ Н. К. Байбаковнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган планларининг лойиҳалари тўғрисида»ги ва СССР молия министри ўртоқ В. Ф. Гарбузовнинг «СССРнинг 1968 йилги Давлат бюджетининг лойиҳаси тўғрисида» қилган докладларини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленумда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. ШЕЛЕСТ, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. ОХУНДОВ, КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари Ф. С. ГОРЯЧЕВ, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. КУНАЕВ, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. ТОЛСТИКОВ, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. ВОСС, Кемерово область «Кузбасс — уголь» комбинати 3—3 бис шахтаси проходкачиларининг бригадири Н. Г. КОЧЕТКОВ, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари Г. И. ЧИРЯЕВ, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. МАШЕРОВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. НАСРИДДИНОВА, КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари А. Н. СМИРНОВ, Краснодар ўлкаси, Усть — Лабинск районидаги «Кубань» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи М. И. КЛЕПИКОВ, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари А. А. КОКАРЕВ, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. БОДЮЛ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум ана шу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Марказий Комитет Пленуми совет халқининг фаровонлигини янада ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ишлаб чиққан тадбирларини батамом маъқуллади. (КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қарори эълон қилинмоқда).

Ўртоқ А. Н. Шелепин ВЦСПС раиси қилиб сайланганлиги муносабати билан Марказий Комитет Пленуми уни КПСС Марказий Комитети секретари вазифасидан озод қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу билан ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1967 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИ

СОВЕТ ХАЛҚИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Партия XXIII съезди қарорларига мувофиқ, совет халқи фаровонлигини янада ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ишлаб чиққан чоралар тўла ва батамом маъқулласин.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарор қилади:

Совет халқи фаровонлигини янада ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ишлаб чиққан чоралар тўла ва батамом маъқулласин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1967 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1968 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАМДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1969 ВА 1970 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ПЛАНЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ ВА СССРНИНГ 1968 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган планлари лойиҳалари ва СССРнинг 1968 йилги давлат бюджети лойиҳаси асосан маъқулласин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1967 йил 26 сентябрдаги қарори

Совет халқининг фаровонлигини янада ошириш чоралари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети КПСС XXIII съездининг совет халқи моддий фаровонлигини янада ошириш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан қарор қилади:

1968 йилнинг 1 январидан бошлаб совет халқининг фаровонлигини ошириш юзасидан қуйидаги чоралар амалга оширилсин:

а) халқ хўжалиги барча соҳаларидаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи минимал миқдори ойига 60 сўмга қадар оширилсин.

Шу мақсадларда ишчилар ва хизматчиларга тариф ставкалари ва мансаб маошларини ойига камида 60 сўм қилиб белгиланса, айрим категориядаги ходимларнинг тариф ставкалари ва мансаб маошларини ойига 70 сўмгача миқдорда оширилсин.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги машинасозлик ва металл ишлаш корхоналарининг станокчи ишчилари тариф ставкаларини 1968 йил биринчи ярим йиллигида ўрта ҳисобда 15 процент оширилсин;

б) Узоқ Шарқ ва Европанинг шимол районларидаги халқ хўжалигининг енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ва ташкилотларидаги, маориф, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, фан, маданият ҳамда бошқа соҳалардаги ишчи ва хизматчилар иш ҳақига ҳозирги вақтда белгиланмаган коэффициентлар жорий этилсин;

в) узоқ шимол ва унга тенглаштирилган жойларда ишлаётган кишилар учун шу район ва жойларда иш стажи оз бўлганида иш ҳақига навбатдаги процент қўшимчалар белгилашни назарда тутиб, имтиёзлар кенгайтирилсин, янгитдан ўзлаштирилаётган районларда ишлаётган ишчилар ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлашда устунликлар берилсин ва мазкур кишилар учун имтиёзларни кенгайтириш юзасидан бошқа чоралар амалга оширилсин;

г) ҳозирги вақтда ҳаммаси бўлиб 12 иш куни миқдорида отпуска олувчи ишчилар ва хизматчиларнинг отпуска муддати 15 иш кунига қадар узайтирилсин;

д) ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни янада камайтириш ва бекор қилиш давом эттирилсин. Шу мақсадларда ойига 61 сўмдан 80 сўмгача иш ҳақидан олинадиган солиқлар ставкаси ўрта ҳисобда 25 процент камайтирилсин;

е) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун ишчилар ва хизматчиларга бериладиган нафақалар миқдорини иш стажи 8 йилдан ортиқ бўлганида иш ҳақининг 100 процентигача ва иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлганида иш ҳақининг 80 процентига қадар оширилсин;

ж) пенсия билан таъминлашни яхшилаш мақсадларида: оддий солдат, сержант ва старшина составидаги ҳарбий хизматчилардан СССРни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини адо этаётганда яродор бўлган, контузия ёки майиб бўлиши оқибатида, фронтда бўлиши билан боғлиқ касаллик оқибатида инвалид бўлиб қолганларга бериладиган пенсияларнинг миқдори I ва II группа инвалидларга (максимал миқдорда) ойига 15 сўм оширилсин ва 1968 йилнинг 1 майидан бошлаб III группа инвалидлари пенсиясининг минимал миқдори ойига 21 сўмдан 30 сўмгача оширилсин;

офицер, старший ва ўрта бошлиқ составдан СССРни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини ўташда яродор бўлган, контузия ёки майиб бўлиши оқибатида, фронтда бўлиши билан боғлиқ касалланиши оқибатида, инвалид бўлганларга бериладиган пенсияларнинг миқдорини: I ва II группа инвалидларга мансаб окладларидан ҳисобланадиган (ҳарбий унвони учун бериладиган окладларни ҳисобга олмаган ҳолда) пенсиялар ойига (максимал миқдорда) 25 сўмга етказилсин ва 1968 йилнинг 1 майидан бошлаб III группа инвалидлар пенсиясининг минимал миқдори ойига 40 сўмгача етказилсин;

СССРни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизматнинг бошқа бурчларини ўташда яродор, контузия ёки майиб бўлиши оқибатида, ёинки фронтда бўлиш билан боғлиқ касалланиш оқибатида инвалид бўлган ҳарбий хизматчиларга кексалик учун пенсиялар белгиланадиган ёши: эркаклар учун 60 ёшдан 55 ёшга ва аёллар учун 55 ёшдан 50 ёшга туширилсин;

тўқимачилик саноати корхоналарининг меҳнат интенсивлиги оширилган ишларда банд бўлган айрим касбдаги аёл ишчиларининг кексалик учун пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ёши 5 йилга камайтирилсин, яъни 55 ёшдан 50 ёшгача туширилсин;

колхоз аъзоларининг меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллиги оқибатида I группа инвалидлигига бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорини ойига 18 сўмдан 30 сўмга ва умумий касаллик учун 15 сўмдан 25 сўмга, II группа инвалидликда меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги учун 14 сўмдан 20 сўмгача ва умумий касаллик учун 12 сўмдан 16 сўмга етказилсин;

меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги оқибатида III группа инвалид бўлиб қолган колхозчиларни пенсия билан таъминлаш жорий қилинсин;

болалигидан I ва II группа инвалид бўлиб, 16 ёшга етганларга ҳар ойда бериладиган нафақа 16 сўм миқдорида белгилансин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИ
Л. БРЕЖНЕВ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ
А. КОСИГИН

БАЙРОҚ ДОРЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва уни давлатга сотиш юзасидан районлар, колхоз ва совхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг сентябрь ойи бешинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг қўчма Қизил байроғи ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИГА берилди. Бу район беш кунликда 28,26 процент миқдорида пахта тайёрлаган, машина теримида 32,3 процент ўсишга эришган ва пахта тайёрлаш йиллик планини мавсум бошидан буён 59,41 процент, машина терими планини 68,71 процент адо этган. Байроқ Янгийўл районидан олиб берилди.


Пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва уни давлатга сотишда Юқори Чирчиқ, Бўка ва Ўрта Чирчиқ районларидаги хўжаликларнинг яхши ишлаётганликлари қайд қилиб ўтилди.

Қизил байроқ Оққўрғон районидаги Ленин орденли «ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИГА берилди. Бу совхоз кейинги беш кунликда 26,91 процент миқдорида пахта тайёрлаган, машина теримида 30,12 процент ўсишга эришган ва мавсум бошидан буён пахта тайёрлаш йиллик планини 57,26 процент, машина терими планини 65,57 процент адо этган. Байроқ 1-«Оққўрғон» совхозидан олиб берилди.

Байроқ Оққўрғондаги ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗГА берилди. Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари 102,66 процент, машина терими планини 104,2 процент бажарган ва кейинги беш кунликда 46,24 процент миқдорида пахта тайёрлаган, машина теримида 46,65 процент ўсишга эришган. Байроқ шу райондаги «Ленинград» колхозидан олиб берилди.

Область молия бўлимига пахта йиғим-терими илғорларини мукофотлаш учун Оққўрғон район ижроия комитети ихтиёрига 300 сўм, шу райондаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ва Ленин номли колхозга 100 сўмдан пул ажратиш топширилди.

«Узсельхозтехника» область бирлашмасига илғор хўжаликка сотиш учун Оққўрғон районига битта юк автомашинаси, область матлубот жамиятига илғор колхозчини рағбатлантириш учун Ленин номли колхозга битта «Волга» автомашинаси ажратиш топширилди.



СОВЕТ—ПОКИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

25 сентябрда Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Покистон Президенти, фельдмаршал Муҳаммад Аюбхон ўртасида музокаралар бўлди.

Ошкора ва ҳамжиҳатлик вазнятида ўтган музокаралар вақтида ҳар икки мамлакатни қизиқтирувчи халқаро проблемалар, шунингдек Совет — Покистон муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. (ТАСС).

ХАЛҚАРО СЕМИНАР ТАМОМ БЎЛДИ

Республикамизда ирригация ва вертикал зовур масалалари юзасидан қарийб бир ой давом этган семинар тамом бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти бу семинарни уюштирган эди. Бу — ривожланиб бораётган мамлакатлар учун сунъий дарё ва дренажлар республикаси бўлган Ўзбекистонда ўтказилган тўртинчи семинардир. (ЎзТАГ).

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига 1510 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш ва тайёрланадиган пахтанинг 70 процентини «занғори нема»ларда териш ҳақида берган ваъдалари устидан тезроқ чиқиш учун интилмоқдалар. Суратда: навбатдаги бункер хирмонга агдарилаяпти.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ).



МЕҲНАТГА ОНГЛИ МУНОСАБАТ

Совет кишилари хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида улкан ишларни амалга оширмоқдалар. Ана шу коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун олиб борилаётган кураш жараёнида одамларнинг бир-бирига янгича муносабати, янгича онг, янгича урф-одатлар шаклланади.

Совет ҳокимияти эндигина тузилган йиллардаёқ В. И. Ленин бу ҳақда гапириб, фақат ишчи-деҳқонлар оммасигина ўзининг фаолияти, қатъий меҳнат интизоми билан яшашнинг эски иқтисодий шароитларини қайта ташкил эта олади ва улуғ хўжалик планларини амалга ошираолади, деб уқтирган эди. Ленин янги меҳнат интизомини, одамлар ўртасида янгича муносабатларни, меҳнатга янгича қарашларни вужудга келтириш, бу, кўп йиллар ва ўн йилларга мўлжалланган иш-дир, деб кўрсатган эди.

Коммунистик партиямиз Ленин васиятларига амал қилиб, барча совет кишиларининг онглилиги ва меҳнат активлигини оширишга доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда ва бу соҳада ажойиб ютуқлар қўлга киритилаётир.

КПСС Марказий Комитети ўтган йилнинг декабрь ойида «Тула области партия ташкилотининг саноат корхоналари ва қурилиш коллективларида социалистик меҳнат интизомини тарбиялаш соҳасидаги иши ҳақида»ги масалани кўриб, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан, хўжалик раҳбарларидан ишчи ва хизматчиларни меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, давлат ва меҳнат интизомига қатъий амал қилиш руҳида тарбиялаш ишларини тинмай яхшилаб боришни талаб этган эди. Бу партия ташкилотининг кенг омма ўртасида олиб борадиган сиёсий-оммавий ишларининг энг муҳим звеноси ҳисобланиши керак.

«Қизил тонг» фирмаси партия ташкилоти маъмурият, касаба союз, комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда бу соҳада қатор тадбирларни амалга оширди. Партия ташкилоти ва маъмурият энг биринчи навбатда кадрларни танлаш ва уларни тўғри жойлаштириш, айрим участкаларни ҳар жиҳатдан тайёргарликка эга бўлган мустаҳкамлашга эътибор берди.

Биз коллектив ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларимизнинг асосий моҳиятини меҳнат интизомини мустаҳкамлаш билан боғладик. Ана шу мақсадда партиявий ишнинг турли хил формаларидан фойдаланилмоқда. Ўтказиладиган лекция ва суҳбатларнинг мазмунли чиқишига, кундалик мисоллар билан бойитилиб, фирма ҳаётига татбиқ қилинишига эришдик.

Бундан ташқари турли хил янгича анъаналарни фикримиз ҳаётига жорий қила бошладик.

Бизда илғорларнинг меҳнатини шарафлайдиган кечалар тез-тез ўтказиб турилади. Илғорларнинг тажрибаси ана шундай кечаларда ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатилади.

Ҳар бир ишчи, ҳар бир мутахассис ўз билимини, малакасини ошириб боргандагина у ўзига тобшириларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга қодир бўлса, ҳозиргача улардан 324 кишига ана шу юксак унвон берилди.

Халқ манфаати йўлида олиб борилаётган бу ишларда коммунистларнинг авангардлик роли катта бўлаётир. Коммунистлардан М. Акромов, М. Г. Федосеева, А. Струве ўртоқлар раҳбарлик қилаётган цехлар кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. Бу цехларда ишлаб чиқариш планлари муваффақиятли бажарилаётир.

Шунингдек коммунист, мастерлар Валентина Зверкова, Фаина Смирнова, Анастасия Гнуешева ҳасида ҳам анчагина ишлар қилинди.

Ишлаб чиқариш планларининг муваффақиятли бажарилишида коммунистик меҳнат учун кураш мусобақасининг аҳамияти катта роль ўйнамоқда. Ҳозир бу курашда 1478 кишига эга бўлган 22 та бригада қатнашмоқда. 12 та бригадага коммунистик меҳнат коллективи унвони берилган.

«Коммунистик меҳнат зарбдори» номи учун 761 киши курашаётган пухта тайёргарлик кўрди. Лекин очиқ айтиш керакки, дастлабки кунларда баъзибир қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Ўзимизга боғлиқ бўлган бу қийинчиликларнинг сабаблари аниқланиб дарҳол уни тугатиш тадбирлари кўрилди. Лекин баъзан, бизга боғлиқ бўлмаган тўсиқлар ҳам учраб туради.

Гап шундаки, янги режимда ишлашни муваффақиятли таъминлаш — бу фақат саноат корхоналарининггина эмас, транспорт ташкилотларининг ҳам жонажон ишидир. Лекин кўп ҳолларда улар бу соҳадаги масъулиятни ҳис қилмаяптилар. Тошкент трамвай-тролейбус трести партия ташкилотининг секретари Кочемасов, автомобиль транспорти министрлигидан Осин ўртоқлар транспорт масаласи билан қизиқиб ҳалигача бирон марта ҳам фирмамизда бўлмадилар. Ҳатто телефон орқали бўлса ҳам ишларингиз қалай кетяпти, деб сўраб қўйишмайди. Ваҳоланки, ишчиларни транспорт билан таъминлашда ҳали ҳал қилинадиган керак бўлган муаммолар йўқ эмас.

Янги меҳнат режимига ўтилиши муносабати билан ишчиларнинг дам олишини ташкил этиш, физкультура ва спорт ишларини кучайтириш соҳасида ҳам анча ишлар қилиниши керак. Дастлабки пайтларда биз ишчиларнинг шаҳардан ташқарига чиқиб дам олишларини ташкил этдик. Ҳозир эса кунлар анча совуб қолди. Энди ликда олиб бориладиган тарбиявий-сиёсий ишларнинг асосий маркази клублар, маданият саройлари бўлиши керак. Лекин биз бу соҳада имкониятга эга эмасмиз. Ер қимирлаш даврида маданият саройи қаттиқ шикастланган эди. Ҳалигача уни қайта тиклаш, ремонт қилиш иши чўзиб келинмоқда. Биз 8-қурилиш трести партия ташкилотига мурожаат қилиб, бу соҳада ёрдам беришларини сўраймиз.

Фирмамиз коммунистлари бундан буён ҳам авангардликни қўлдан бермаслик, меҳнат интизомини ҳар тарафлама мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш топшириқларининг доимо ортиғи билан бажарилишига ҳаракат қиладилар. 3 минг кишилик коллективимиз Улуғ Октябрь 50 йиллигини зиммага олинган социалистик мажбуриятини ортиғи билан бажарган ҳолда қутиб олади. Партия ташкилоти олиб бораётган сиёсий-ташкилий, оммавий ишлар ана шунга қаратилгандир.

А. АХМАНОВА.

«Қизил тонг» фирмаси партия ташкилотининг секретари.

ПАРТИЯ ХОДИМИ МИНБАРИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

Партия маорифи шохобчаларида ўқув машғулотларининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Янги ўқув йилида яна ҳам мароқли лекциялар уюштириш, тингловчиларнинг билим даражаларини ошириш партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Бошқа жойлардаги каби Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги партия маорифи ходимлари ҳам бунга пухта тараддуд кўрмоқдалар. Бу ерда сиёсий билимларни тарғибот қилувчи 2 йиллик бошланғич партия маорифи мактаби бўлиб, машғулотлар марксизм-ленинизм таълимоти ғоялари, партия тарихи, сиёсий иқтисод фанлари программаси бўйича утказилади.

— Биз — дейди партия маорифи кабинетининг мудири А. И. Шигильчев, — янги ўқув йилини яхши уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча тадбирларни белгилаб чиқдик. Ўқувчиларимиз сони ўтган йилдагидан бир мунча кўпроқ бўлади. Яна шунисн қувонарлики, агар будтур қуйи звено программасида бир ярим минг киши, олий звенода мингга яқин ишчи, инженер, техник ходимлар ўқишган бўлса, бу йил олий звено программаси бўйича ўқийдигандар икки минггга етади. Қуйи звенода 1200 киши ўқийди. Шунга кўра ўқув программаси ҳам бироз ўзгартирилди. Чунончи, «Марксча ленинча эстетика таълимоти», «Социалистик мамлакатлар экономикаси», «Коммунистик меҳнатни ташкил қилиш», «Фалсафа проблемасига доир» каби муҳим мавзудаги лекциялар машғулотларнинг асоси бўлади.

Т. ИСЛОМБОЕВА.



Бу моҳир электр пайвандчилар Н. Тагаев ва Н. Йўлдошев ўртоқлардир. Улар Ново-Кузнецк қурилиш поездининг коллективи ўртасида ном қозонишган. Янги Тошкентни бунёд этишга актив ҳисса қўшишмоқда.
А. Тўраев фотоси.

Чилонзор жамолини гулзорга қиёс этгулик. Ранго-ранг кўркам бинолар кўзни қамаштиради. А. Палехов суратга олган бу муҳташам бинолар Ленинград қурилиш-монтаж поезди қурувчиларининг мислсиз ғайрат-шижоати билан қад кўтарди. Олиҳиммат бинокорларга балли!

СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

СТУДЕНТЛАР ЎЗ СОВХОЗИДА ПРАКТИКАДАН ЎТМОҚДАЛАР

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг студентлари ҳозир Киров номли совхоз далаларида ишлаб чиқариш практикасидан ўтмоқдалар. Бу совхоз батамом ана шу олий ўқув юрти ихтиёрига бериб қўйилган. Бу ерда учинчи курс студентлари етиштирган пахта териб олинмоқда. Ҳурбой Хўжаев ва Доно Маҳмановлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари чигитни ўзлари экиб, ўзга қатор ораларини культивация қилдилар, суғордилар, эндиликда эса «зангори кема»ларни бошқармоқдалар.

9 минг гектардан кўпроқ ерга эга бўлган хўжаликда пахтадан ташқари сабзавот ва хашаки экинлар етиштирилмоқда, мева боғлари бор. Чорвачилик ҳам яхши ривож топган. Студентлар бу ерда хилма-хил ишлаб чиқариш практикаларидан ўтмоқдалар.

ШОЛИ УРИМИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Термиз районидаги ихтисослашган «Искра» колхозида шоли ўрим-йиғими бошланди. Деҳқонлар 1600 гектарлик кўриқ массивда мўл ҳосил етиштирдилар. Далаларнинг механизаторлари ҳар гектар ердан камида 30 центнердан шоли йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ПАХТА

Ғузор районидаги Карл Маркс номидаги колхоз маҳаллий тайёрлов пунктига планден ташқари пахта етказиб бера бошлади. Хўжалик давлатга 1800 тонна пахта сотиб, йиллик топшириқни муваффақиятли адо этди. Дала механизаторларининг ўринбосари ўртоқ Камол Тошмуҳамедов билан суҳбатлашдик. У бизга ишчи ва хизматчиларга қандай мазбонлик қилинаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

— Бир кеча-кундузда, — дейди ўртоқ Тошмуҳамедов, — 2000 кўрандага хизмат қиламиз. Ошхонамиз учинчи категорияга киради. Овқатлар арзон. Шўрва 19 тийин, мастава 24 тийин, бефштекс 28 тийин. Ундан кейин овқатларимизнинг хили ҳам кўп. Шаҳарчамизда миллий таомлар тайёрлайдиган иккита филиалимиз бор. Бирида палов, кабоб, манти, иккинчисида лағмон, сомса тайёрланади. Икки буфет доимо қурувчилар хизматида. Планнинг бажарилиши ҳам жуда яхши. Асосий ошхонамизда бир кунда 700—800 сўм, иккита филиалимизда 600 сўм, буфетларда 500 сўм — жами 2000 сўмга яқин савдо қилинади. Овқатлар сифатидан қурувчилар хурсанд. Ҳозиргача шикоят эшитганимиз йўқ.

— Ошхонамизнинг моҳир пазандалари ҳақида яхши гапларни мунтазам 120—130 процентдан адо этаяпти. Мусобақадошларимиз эришаётган муваффақиятлар ҳам кўзга кўринарли. Анвар Давидов бошлиқ бетончилар бригадаси, Ким Гер Ои бошлиқ арматурачилар бригадаси аъзолари ҳам меҳнатда муносиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу муваффақиятларга эришишда ҳамманинг ҳиссаси бор. Бетончи Ҳамид Гизатуллин, арматурачилардан Раҳаб Мирзаҳмедов, Мукаддас Носирова, Мамлакат Умарова ва бошқалар айниқса зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. А. Федотов ва Н. Овчинников ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳам қурилиш материаллари тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятлар намунали адо этилаётир.

Баракали меҳнат маҳсулотининг кўпайиши билан бирга ишчилар моддий фаровонлигининг ошишида ҳам ўз ифодасини топаяпти. Комбинатимиз бўйича 8 ойда ҳар бир ишчи ўрта ҳисобда белгиланган 8 минг 462 сўм ўрнига 9 минг 422 сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарди. Ёки ҳар бир ишчи ўз нормасини 113,5 процент бажарди. Моддий рағбатлантиришнинг оширишни мусобақанинг кўтаринлдагидек якунланишига олиб келмоқда.

Барча бинокорлар қатори бригадамиз аъзолари ҳам янги Тошкентни бунёд этишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшаётганликлари билан фахрланадилар. Зиммаларига олган мажбуриятнинг бажарилиши учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. САФАРАЛИЕВ.
1-уйсозлик комбинатининг бетончилар бригадаси бошлиғи.

ЯНГИ ТОШКЕНТНИ БУНЁД ЭТАМИЗ

МУСОБАҚА ВА НАТИЖА

МЕЗБОНЛАРГА РАҲМАТ

РСФСР дан келган қурувчилар иш бошлашлари биланоқ Чилонзор ошхоналар трестига қарашли яна бир чиройли бино қад кўтарди. Унинг пештоқига «Россия» шаҳарчасининг 16-ошхонаси» деб ёзиб қўйилган. Сиз бу ошхонага келиб қолсангиз, кўнглингиз хушнуд бўлади. Зал жуда ҳам тоза, ҳавоси яхши, стол-стуллар тартибли қўйилган. Зал беш юз кишига мўлжалланган. Биз ошхона директорининг ўринбосари ўртоқ Камол Ташмуҳамедов, — дейди зал мудири Евгения Ашуркина, — бригадир ошпаз Йўлдош Мусаев, 5-разрядли ошпазлар Анна Берникович, Х. Усмонов, Т. Акромов ва бошқалар сифатли, мазали, овқатлар тайёрлаб хўрандаларининг таҳсинига сазовор бўлмоқдалар.

Ҳа, шундай, қурувчи хўрандалар Чилонзор ошхоналар трестига қарашли «Россия» шаҳарчаси 16-ошхонаси» мезбонларига намунали хизмат учун раҳмат айтмоқдалар.

А. КИМ.

АРМАНЛАР АРМУҒОНИ

Янги Тошкентни бунёд этишга қардош арман қурувчилари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Арманистон қурилиш-монтаж поездининг катта бир группаси пойтахтимизнинг Рисовая микрорайонида самарали иш олиб боришяпти. Уларнинг кучи билан тўртта беш қаватли янги турар-жой бинолари қад кўтарди. Яқинда бу кўркам бинолар фойдаланишга топширилди.

Шу кунларда қардош бинокорлар юбилей шарафига яна бир 60 квартирали объект қурилишини жадал бошлаб юборишди. Уни байрамгача тугаллашга аҳд қилишган. Бетончи В. Гаспарян, пардозловчи Д. Арутёнов сингари азаматлар қурувчилар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Иши билан сўзи бир қардошларимиз ҳимматидан ҳамшаҳарларимиз ғоят мамнун бўлмоқдалар.

У. МУҲАМЕДОВ.

ГРЕК ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ЖИПСЛИГИ ВА БИРДАМЛИГИ

Тошкентда яшовчи грек сиёсий муҳожирлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бағишлаб ўтказган «Дўстлик ҳафталиги» тугади.

Ўтган якшанба ҳафталикнинг энг қизиқарли куни бўлди. Шу куни Тошкентдаги Тельман номли паркнинг ям-яшил хиёбонларини Грециянинг миллий қаҳрамонлари — Манолис Глезос ва Никос Белоянис, Григорис Ламбракис ва Микис Теодоракисларнинг портретлари, Греция қаршилик кўрсатиш халқ озодлик армияси — Эласнинг афсонавий раҳбарлари Стефанос Сарафис билан Арис Велухетис портретлари безаб турди. Машаққатли йилларда грек сиёсий муҳожирларини ўз паноҳига олиб, бошпана, иш билан таъминлаган, уларга ўқиш, илмий ва бадиий ижодиёт билан шуғулланиш имкониятларини берган Совет Иттифоқи шаънига қардошларча табрик сўзлари ёзилган ёрқин алвонлар кўзга ташланиб турибди.

Паркнинг ёзлик театри байрамона безатилган эди. Бу ерда немис босқинчиларга қарши кураш йилларида Греция Компартияси ташаббуси ва мамлакатнинг бошқа прогрессив кучлари қатнашувида тузилган миллий-озодлик фронти-Эласнинг 26 йиллиги тантанали байрам қилинди. СССРда яшовчи грек сиёсий муҳожирлар жамияти раисининг ўринбосари Костас Кипурос йиғилишни очди.

Жамият президиумининг аъзоси, Греция қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг актив курашчиларидан бири Василис Дадалярис доклад қилиб, Грециянинг барча прогрессив кучларини ҳамраган миллий озодлик фронти сафларида 1,5 миллион ватанпарвар бор эди, деб эслатиб ўтди. 1944 йилнинг охирида Элас қуролли кучларида 130 минг киши бор эди. Грек халқининг чет эл оккупантларига қаршилик кўрсатиш ҳаракати уруш бошида мисли кўрилмаган кенг қулоч ёзди.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг шоили традицияларни ўлмасдир. Миллий-озодлик фронти руҳига содиқ бўлган Греция коммунистлари, унинг шоили курашчилари, демократлари ва ватанпарварлари ҳозирги кунда халқ реакциянинг қора кучлари устидан ғолиб келишига қаттиқ ишонадилар.

Греция Коммунистик партияси Тошкент комитетининг секретари Костас Чулакси барча демократик ва прогрессив кучларни ҳарбий диктатурага қарши кучли ватанпарварлик антифашист фронтига айлантириб, жипслаштириш ва бирлаштириш зарурлиги ҳақида гапирди. У барча сиёсий муҳожирлар номидан грек халқининг совет халқига самимий муҳаббат ва қардошлик ҳис-туйғуларини билдириб, Тошкентда яшаётган ватандошлари коммунизмни муваффақиятли қуриш учун совет халқи олиб бораётган курашга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтирмоқ учун бор куч-қувватларини сарфлаяжакдар, деди.

Йиғилиш қатнашчилари мамлакатда ҳокимиятни фашистлар хунтаси эгаллаб олганлигига қарши норозилик билдириб, барча террор қурбонларини турма ва қамоқ лагерларидан озод этишни талаб қилдилар.

Йиғилиш аҳли Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома юборди.

Тантанали йиғилишда Греция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси Зисис Зографос қатнашди.

* * *

Байрам шарафига бўлган оммавий халқ сайили кеч тунгача давом этди. Кино залларда «Манолис Глезос — Эллада фарзанди», «Микис Теодоракис Тошкентда», «Эллада, сени деб» деган хроникаль-ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЧАСИГА ЯРИМ ЙИЛ

УЛАРНИ Қорасув дарёси аж ратиб туради. Арғамчи қишлоқ Совети дарёнинг чап қирғоғида, 1-Май қишлоқ Совети эса ўнг қирғоғида. Йўлимизда биринчи бўлиб Арғамчи қишлоғи учрайди.

Тўрт тарафда қурилиш кетаяпти. Маданият саройининг ҳademай эшиклари очилади. Кўчаларга зовурлар қазилган — водопровод ўтказиляпти. Яқиндагина сут қуяр ясаш хизмат кўрсатиш комбинати ишга тушди, учта автобус маршрути очилди.

Бюджет воситалари ҳамда ўзидан олинадиган солиқлар бўйича воситалар умумий характерларнинг атиги тўртдан бирини ташкил қилади, асосий маблағларни колхозлар беради. Лекин шундай бўлса ҳам бу қурилишларни қишлоқ Советининг қурилишлари деб аташади. Негаки, уларнинг режаси Советда тузилган, Совет уларни ташкил қилган.

Қишлоқ Советида 91 депутат бор. Уларнинг учдан икки қисми олий ва ўрта маълумотга эга. Булар механизаторлар, агрономлар, иқтисодчилар, зоотехниклар, врачлар, педагоглардир. Совет раиси — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Жибек Елибаева.

Қишлоқ Совети территориясига «Правда» колхози, «Политотдел» колхозининг участкаси, богдорчилик совхози, луб заводи, тайёрлов пункти жойлашган. Совет қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши технологиясига аралашмайди. Лекин у турмушнинг ҳамма жиҳатларига ўз таъсирини ўтказади, у хўжаликни бошқарувчи сифатида эмас, балки шу жойдаги олий халқ ҳокимияти сифатида иш кўради. Совет ўзининг кейинги беш сессиясида ва ижроия комитет ўн мажлисида маҳаллий ҳаётнинг энг актуал масалаларини қараб чиқди. «...қишлоқда, — деб ёзган эди М. И. Калинин, — маҳаллий ҳокимиятнинг ҳарбир қадами снёсат билан лиқ тўладир...» Буни қишлоқ Советининг раҳбарлари, депутатлар яхши тушунадилар. Улар ўзларининг амалий ишларида, маҳаллий масалаларни ҳал қилишга ёндошишнинг ўзида етук снёсатдон эканликларини кўрсатмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь 50 йиллигига Тезисларида уқтирилганидек, коммунистик қурилиш жарабнида давлатнинг роли айниқса, унинг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий функциялари тобора орта боради. Бунинг учун бошқарув ишларига меҳнаткашлар кенг оммасини жалб қилиш лозим. Ижтимоий коммунистик ўзўзини бошқариш йўли худди ана шунда.

Арғамчи қишлоқ Советининг намунаси худди шу жиҳатдан ибратлидир. Бу ерда ҳар уч кишидан бири Советнинг бевосита активисти — доимий комиссияда ёки депутатлар группасида ишлайди, бидвосита қарийб ҳар бир сайловчи (янгинлар орқали ва ҳоказолар) у ёки бу даражада қишлоқнинг ижтимоий ҳаётида иштирок қилади. Советнинг таъсири ва обрўсининг сири ҳам худди шу ерда. Шунинг учун ҳам бу тўғрида Советнинг ҳар бир қадами ҳақиқатан ҳам снёсат билан лиқ тўлган деб айтиш мумкин. Республика Олий Совети Президиуми Арғамчи қишлоқ Совети КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткаш депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарорини қандай амалга ошираётганлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилганида худди ана шуни таъкидлаб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОНДА қишлоқ Советларининг хўжалик-ташкилотчилик функциялари кўп жиҳатдан республика шароити билан белгиланади. Колхозларимиз ишлаб чиқараётган асосий маҳсулотнинг ҳаммаси — пахта, каноп, жун, пилла, қоракўл давлат томонидан тўла сотиб олинади. Бу эса унинг бутунисича сотилишини гарантиялаб беради, колхозларга ишлаб чиқариш ишларига диққатни қаратиш имконини беради. Шу билан бир вақтда колхозларнинг план-буюртмаларнинг бажарилишидаги масъулиятини янада юқори кўтаради. Қишлоқ Совети колхозларга энг яқин турган ҳокимиятдир. У ишлаб чиқаришни ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрлашни катъий марказлаштирилган ҳолда планлаштиришни амалга оширишда ёрдам беришга даъват қилинган ва у чинакамига ёрдам кўрсатаяпти. Биз ҳамиша қишлоқ Советини аҳолини меҳнат ва давлат интизоми руҳида, давлат манфаатларининг қатъий ҳимоячиси қилиб тарбияловчи, деб тушуниб келганмиз. Ҳозирги вақтда мазкур функциялар янада ортиб бораяпти.

Совет ҳокимияти йиллэрида ўзбек қишлоғининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Унинг турмуши албатта, бутун совет қишлоғи учун умумий бўлган хусусиятлар билан характерланади. Шундай бўлса ҳам, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутнинг аста-секин йўқолиб бориши жарёни бизда ўз хусусиятларига эга. Шу ўринда республика аҳолисининг тўртдан уч қисми қишлоқларда яшаётганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бу эса қишлоқ Советларидан социал активликни кучайтиришни талаб қилади, деб айтишим мумкин. Худди шундай активлик кундан-кунга ўсиб бораяпти. КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисидаги қароридан сўнг айниқса худди шундай бўляпти. Бу қарор қишлоқ, посёлка, район ва область Советлари сессияларида муҳокама қилинди, республика Олий Советининг сессияси шу масалага бағишланди.

Қишлоқ Советларининг раислари, депутатлар хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш бўйича энг муҳим акцияларнинг ҳаммасида — район ва область Советлари ижроия комитетларининг мажлисларида, область ва республика активларининг йиғилишларида ва ҳоказоларда фаол қатнашаяптилар. Областнинг 7,5 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган 23 та қишлоқ Советида раис ўринбосари лавозими жорий этилган. Совет ходимларининг маошлари оширилган. Улар олаётган ойлик фонди 64 процент ошди. Буларнинг ҳаммаси кадрларнинг стабил ишлашига имкон берди. Қишлоқ Советларига янги биноларнинг, асбоб-ускуналар, мотоциклар ,енгил машиналар ажратилди.

Ярим йилликнинг энг муҳим якуни шундан иборат бўлдики, қишлоқ Советлари ўзларини жойлардаги олий ҳокимият, деб ўзларига тўлароқ ҳисоб берадиган бўлиб қолдирдар. Улар колхозлар экономикасига кўзга кўринарли таъсир кўрсатмоқдалар, илгари «иш йўқ» деб ҳисобланган жойда экономиканинг турли томонларини назорат қилиб турибдилар.

Бир мисол келтириб ўтаман.

Э. ШАЙХОВ,

Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси, СССР Олий Совети депутати.

✦

Тошкент областидаги пахта етиштирувчи колхоз ва совхозлар комплекс механизациялашган звеналар системасига тўла ўтиб бўлишди. Колхозларда техника етарлилиги туфайли бу система ўзини тўла оқлади. Лекин звеноларнинг ўз проблемалари бор. Звенолар машиналар иш фронтини торайтирмасликлари учун ишни қандай йўлга қўйиш керак? Меҳнатнинг турли кўринишларини қандай қилиб тўғри ҳисобга олиш ва ҳақ тўлаш лозим? Янгийўл районидаги Ниёзбоши қишлоқ Совети ана шу масалалар билан шуғулланди. Ижроия комитет раиси А. Рихсибоев қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссияга мутахассисларни жалб қилди. Улар Ленин номли колхознинг йиллик ҳисоботини, меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини тахлил қилдилар. Шундан сўнг сессияда ана шу масала муҳокама қилинди. Совет қабул қилган қарор колхозга ,кейин эса бошқа хўжаликларга ҳам ишни яхшироқ йўлга қўйишда ёрдам берди.

Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ҳал қилиб берадиган масалалар доираси яқин вақтгача торайтирилган бўлиб, маҳаллий манфаатлар нуқтаи назаридан ҳам энг асосий нарсаларни ўзига қамраб олмаган эди. Советнинг

Демак, рўйхатда телевизор бору, аслида эса йўқ. Бу масалага чуқурроқ ёндошиш демакдир. Ўрта Сарой участкасида аҳолига 18 турда машиғий хизмат кўрсатилади, қўшни участкада эса улар сони атиги учта. Бундан ташқари, депутатлар кишилар ўз вақтларини қанчалик бемақсад ўтказаётганликларини, байрам кунларини зерикиш билан бекорга ўтказиб юборaётганликларини кўрдилар. Сессия жуда жонли ўтди. Фақат залдагина эмас, танаффусларда ҳам кўп тортишувлар бўлди. Бу сессия «Известия»да айтиб ўтилган қуйидаги фикрни тасдиқлайди: илмий раҳбарлик элементлари совет органлари, жумладан, унинг қуйи звеноси практикасига жорий қилиниши зарур.

Ёки мана бу мисолни кўрайлик. Чорвоқ гидроузели қурилишида беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муддатлари яқинлашиб келарди. Депутатлар ҳамма хизмат кўрсатиш ташкилотлари мазкур масъулиятли қадамга қандай тайёргарлик кўраётганликлари билан синчиклаб танишиб чиқдилар. Шу нарса аниқландики, жуда кўп нарсалар «тавакқал» қилиб амалга оширилаётган экан. Посёлка Совети ўз сессиясида қуйидаги қарорни чиқарди: қурилиш раҳбарлиги ва постройком беш кунлик иш ҳафтасига ўтишга тайёр эмас, Совет қуйидаги ишлар (ҳамма шартларнинг бутун бир рўйхати бу ўринда келтирилган) амалга оширилмагунича беш кунликка ўтишга рухсат бермайди.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

справкалар ёзиб бериш, солиқ тўплаш, ҳисоб-китоб олиб бориш, жанжалларни ҳал қилиб беришдан бошқа иши йўқ, деб ҳисобланарди. Тўғрисини айтмоқчиманки, бу масалалар ҳам майда иш эмас. Ана шу ташвишлардан ташқарида қишлоқ Совети фаолиятини тушуниб ҳам бўлмайди, тўғри баҳо бериб ҳам. Ахир бу ерда ҳам принципиаллик, ақл-идрок, одамгарчилик ҳислатлари талаб этиларди. Лекин шу нарса аёнки, ҳокимиятнинг кучи ва обрўси унинг ташкилотчилик жиҳатдан фаоллигига, кундалик конкрет ишлардан кўтарила билишига, уларни ҳал қилаётганда катта масалаларни ҳам кўра билишига тўғридан тўғри боғлиқдир.

Масалан, Калинин қишлоқ Советининг раиси М. Пўлатова сессияга турмуш маданияти тўғрисидаги масалани киритишдан аввал доимий комиссияга бутун ишни «кўнгилдагидек ўрганиб, чиқиш»ни таклиф қилди. Бунда худди авваллгидек қилиб ижобий фактларни, сўнгра айрим салбий фактларни топиб, одатдаги қарор лойиҳасини муҳокамага қўйиш мумкин эди. Лекин депутатлар —ўқитувчилар ва иқтисодчиларда кичиккина социологик тадқиқот ўтказиш ғояси тугилди. Улар бир неча кун ишлашди.

Натижада қуйидагилар маълум бўлди. Бундай қараганда ҳамма нарса кўнгилдагидек. Қишлоқ Советида 780 телевизор, 1919 радиоприёмник ва радиоточка, юзлаб кир ювиш машиналари борлиги аниқланди. Лекин аппарат ишдан чиқса — нима қилиш лозим? Ремонт қилиб берадиган жой йўқ.

Шу ўринда ҳамма ишлар ҳуқуқ нуқтаи назаридан тўғри эмас, деб айтишди. Бундай деб ўйламайман. Маҳаллий ҳокимият ҳамма нарсани тўғри, қонун бўйича ҳал қилиб берди, деб ҳисоблаймиз. Хўжалик иши билан шуғулланувчи кишилар Советнинг талабларини бажардилар: ишчилар таъминоти ташкилотига қарашли магазинлар, транспорт, поликлиникалар иш графиклари ўзгартирилди. Маиший хизмат комбинатида қўшимча хизматни жорий қилдилар, Тошкентга ва курорт жойларга экскурсия рейслари очилди. Беш кунликка ўтиш учун ҳамма нарса тўла-тўкис тайёр бўлгач, Совет «хўп» деди.

ЭНДИ Қорасувнинг ўнг қирғоғига ўтиш пайти келди. Арғамчидан 1 Май қишлоқ Советига ўтайлик.

Ҳа, уларни мужазгина дарё ажратиб туради, шароитлари ҳам бир хил. Лекин ҳамма ишлар тамоман ўзгача. Мана ҳеч исбот талаб қилмайдиган баъзибир мисолларни чоғиштириб кўрайлик.

1-МАЙ ҚИШЛОҚ СОВЕТИДА

«Клуб ҳали ҳам ёпиқ, янгисини ҳеч қуришмаяпти. Райондан ёки областдан артистлар юборишсанг».

Т. Ибраев хатидан.

«Тўрт йилдан буён Советдан Қуйбишев номли участкада чойхона, ошхона қуриб беришни илтимос қиламиз».

Ўша хатдан.

«Кишилар ишгача ёки ишдан кейин қишлоқ Советига келишади, лекин у ерда ҳеч вақо йўқ. Битта справка учун икки-уч марта қатнашга мажбур бўлишади».

Докладиойдан.

АРҒАМЧИ ҚИШЛОҚ СОВЕТИДА

«Драма тўгарагида йигирма киши, торли чолғу асбоблари тўгарагида 60, хор тўгарагида 40 киши қатнашади. Область кўригида қолиб чиқдик».

Справкадан.

«Болалар боғчасига пул етишмади. Пахта заводи ўз ҳиссаси билан иштирок этишга ёрдам берди. Қуриб олдик! Шундай ҳам қиламиз! Халқ қарор қилдими, бас!

Депутат Канадилов сўзидан.

«Биздан ташқари, қишлоқ Советида ҳафтада бир марта район Совети ижроия комитетининг аъзоси, ҳафтада икки марта область Совети ижроия комитетининг аъзоси қишиларни қабул қилишади, ҳамма арзлар фақат шу жойнинг ўзидагина муҳокама қилинади».

Ж. Елибаева ҳисоботидан.

Гап оҳангидаги тафовутни кўриб турибсизми. Бир Советдан кутишади, илтимос қилишади, бошқасида эса уларнинг ўзлари таклиф қилишади, ўзлари ҳал қилишади, амалга оширишади.

1-Май қишлоқ Советини ҳозирги сайловларга қадар камсаводли, иш билан қизиқмайдиган киши бошқарарди. Унга ишонч билдиришмай қўйди. Янги раис З. Иброҳимов, ишни тўғрилашга интилди, лекин активлар билан алоқалар кучсиз эди. Ҳамма нарсани бирданига йўлга қўйиш қийин. Лекин буни тезроқ амалга ошириш мумкинми? Мумкин.

В. И. Ленин раҳбарликда, кишиларни ўргатишда умумий гапсўзлардан қочишни жуда кўп марталаб огоҳлантирган эди. «...Маълумотларни **амалий** тажрибадан, ҳеч бўлмаса битта уезд бўйича, ҳеч бўлмаса битта волость бўйича олиш яхши,— уларни академикчасига эмас, **амалий жиҳатдан** ишлаб чиқиш лозим: ўрганинг, мухтарам коммунист бюрократлар, **мана бу ишларни қилманг** (конкрет миссоллар ҳамда жойларнинг номлари билан, фактларни аниқ кўрсатиш билан), **мана буни эса** (буни ҳам конкрет **амалга оширинг»** деб ёзган эди у.

Яқинда Жибек Елибаева қўшни Сельсоветда бўлди, ўзининг уялиб кетганини ҳам енгил-қўшнисининг кўлидан одгандай, уни қишлоқ Совети томон етаклади, сўнгра ўз қишлоғига олиб борди ва «буниси ёмон, мана буни шунақа қилиш керак» деб айтди. Ўнг қирғоқ ҳам чап қирғоққа тез етиб олади, деган ишонч эндиликда пайдо бўлди бизда.

Ленининг «Ўрганинг... мана бу ишларни қилманг... мана буни эса амалга оширинг» деган сўзлари район ижроия комитетлари, область ижроия комитетларининг ташкилий инструкторлик бўлимлари ва Олий Совет Президиуми — Советларининг ҳамда республика Министрлар Совети — совет органлари бўлимлари инструкторлари ишининг моҳиятини жуда аниқ белгилайди. Яқинда 10 та ташкилий бўлимнинг ҳар бири ўз областларидаги битта қишлоқ Советини танлаб олиб, уларнинг ишини ёзиб чиқдилар — энг яхши қишлоқ Советларининг тажрибасини ўрганилаётган эди. Деярли бир хил текст — рақам ва фактлар юзага келди. Асосий нарса — Советлар қандай, қайси усуллар билан иш кўраяпти, уларнинг ишида масалаларга ёндошишда қандай янгиликлар борлиги айтилмади. Ҳодбуки, Советларнинг амалий ишлари ўйлаб кўриш учун жуда бой манбадир.

Ана шу тақдим қилинган баёнларда Совет ишининг ҳамма томонлари кўриб чиқилган, ҳар бирига энг кам жой ажратилган — ҳамма нарса тўғрисида оз-оздан, тушунтириброқ эса ҳеч нарса айтилмаган. Ҳеч бўлмаса битта масалани чуқурроқ таҳлил қилиб берганларида эди. Сессияларчи? Кўпинча уларни қандай ўтказиш, уларга қандай тайёргарлик кўриш лозимлигини билишмайди ҳам. Текшираётган ўртоқлар худди шу ишни йўлга қўйганларида эди, ёки: нима учун қишлоқ Советига квартал плани тузишдагина эмас, шу билан бирга унинг бажарилиши устида ҳам ишлаб кўриш, бригадикда янгиликни жорий қилиб кўриш мумкин бўлмасин? Қанчадан-қанча жонли, қизиқарли нарсалар юзага келган бўларди!

Қишлоқ Советларининг депутатлари, раҳбарлари состави кечагина ўхшамаган. Қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг 99 раисидан 80 киши олий ва ўрта маълумотга эга. Уларни амалий жиҳатдан ўқитиш асосий масаладир. Шу ойлар ичида область ижроия комитети учта семинар ўтказди. Аввал қишлоқ Советларининг раҳбарлари учун, сўнгра район ижроия комитетлари раис ўринбосари ва секретарлари учун семинар ўтказилди. Ниҳоят, Оққўрғон районида Ленинобод қишлоқ Советининг иш услуби муҳокама қилинди. Семинарларда область партия комитети бюроси, область ижроия комитети аъзолари, бўлим мудирлари ва область бошқармалари иштирок этишди. Район партия мактабларида совет ходимлари бўлими очилди. Совет иши бўйича область жамоатчилик университети ташкил қилинаяпти.

Биз буларнинг ҳаммасини ишнинг бошланиши, деб биламиз. Ҳамма гап — совет кадрларини назарий ва амалий ўқитишнинг аниқ системасини ишлаб чиқишда. Бунинг учун давлат, жиноят, ер ҳуқуқи бўйича, совет иши назарияси ва практикаси бўйича соддалаштирилган китоблар нашр этиш зарур.

Қишлоқ Советларининг ҳуқуқлари тўғрисида икки оғиз сўз. Бу ҳақда область семинарлари, сессияларда фикр алмашдик. Ҳамма, бундай ҳуқуқларни кенгайтириш, кенгайтирганда ҳам кўпроқ кенгайтириш зарур, деб ҳисобламоқда. Бошқа бир қизиқ фикр ҳам айтилди: ҳуқуқларнинг кенгайишини аввало уларнинг аниқ ва чуқур бўлишидир, деб тушунмоқ керак.

Советнинг обрўси ва таъсири ҳуқуқларнинг сони билан белгиланмайди. Ҳуқуқлар оз эмас, лекин ҳамма Советлар ҳам улардан фойдаланавермайдилар. КПСС Марказий Комитети қишлоқ Советларини колхозларнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятига аралашишдан огоҳлантиради. Бунинг чуқур маъноси бор. Қишлоқ Совети — жойлардаги олий ҳокимиятдир, унинг ҳуқуқлари кундалик хўжаликни бошқариш ташвишларидан **юқори** туриши зарур. Биринчи ўринга умумхалқ ҳуқуқлари, айтиш мумкинки, муниципал ташвишлари қўйилиши лозим.

Тошкент области бутун мамлакат билан биргаликда Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Қишлоқ ва посёлка Советлари — жойлардаги халқ ҳокимияти органлари ана шу катта ишнинг фаол ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

(«ИЗВЕСТИЯ», 23 сентябрь 1967 йил).



ТАНИШИНГ: бу қиз Оққўрғондаги Куйбишев номли колхознинг чевар теримчиларидан бири Инобат Ҳолматова. У ҳозир ҳар куни юбилей хирмонига 140—150 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқда.

В. Клоков фотоси.

ПАХТАЗОР ЮЛДУЗЛАРИ

Эрта тонг. Етоғидан энгкигина бош кўтарган кўёш атрофга ёғду соча бошлаган. Шундай пайтда сиз пахтазор қучоғида бўлсангиз, олпоқ далаларга боқиб ҳузур қиласиз. Ана, Ленин номли колхознинг далалари. Булар Самат Абдуқодиров бошлиқ звенога қарайди. Звено аъзоларининг самарали меҳнатлари туфайли 45 гектар пахта майдонида очилган «оқ олтин»ни кўриб баҳри-дилингиз равшан тортиб кетади. Шу ҳосилни тезроқ теришга она-Ватан омборларига топширишдек муқаддас бурчни звено аъзолари яхши тушунишади.

Айни кунларда Самат Абдуқодиров раҳбарлик қилаётган звенода терим қизғин. Оққиз Гулмуротова, Нортожи Абдуқодирова ва Гулойим Хожиева каби моҳир теримчилар ҳар куни 200—250 килограммдан «оқ олтин» териб звенонинг 122 тонналик пахта хирмонига барака қўшаётирлар.

«Пўлат от» капитанлари Хошим Раззоқов, Синдор Маҳмудов ва Самат Абдуқодировлар бункерлардан кунига 5000—5500 килограммдан «оқ олтин» тўкаётирлар.

—Ҳозир звеномиз аъзолари ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳосил кўтариб, планни 80 процентдан оширибқўйдилар. Эрта-индин план юз бўлади,— дейди Абдуқодиров.

Самат Абдуқодиров звеноси билан мусобақадош Х. Раззоқов, Т. Мирзақулов, С. Холмирзаев ва А. Хатамов бошлиқ звенолар ҳам пахта тайёрлаш планларини 75 процентдан оширибюбордилар.

Мамасаид МИРЗАЕВ,
Бекобод районининг Ленин номли колхози.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

Гвинея демократик партиясининг VIII съезди очилди

КОНАКРИ, 25 сентябрь. (ТАСС) Бугун бу ерда Гвинея демократик партиясининг VIII съезди очилди. Съезднинг ишида 2000 киши, шу жумладан чет эллардан келган жуда кўп меҳмонлар, социалистик мамлакатларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетя Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов КПСС делегациясига бошчилик қилмоқда.

Гвинея демократик партиясининг съезди мустақилликка эришилганидан кейин ўтган 9 йил ичида мамлакат иқтисодий, маданий ва ижтимоий тараққиётининг якунларини тўплайди ва янги марраларни белгилайди.


АЮБХОННИНГ СИЁСИЙ ТАРЖИМАИ ХОЛИ

РАВАЛПИНДИ, 25 сентябрь. (ТАСС). Покистон президенти Муҳаммад Аюбхоннинг яқинда босилиб чиққан «Ҳўжайинлар эмас, балки дўстлар» китоби Покистон жамоатчилигининг зўр эътиборини ўзига жалб этди. Бу китоб авторнинг снёсий таржимаи ҳолидир. Китобда Покистоннинг мустақил давлат сифатида вужудга келиши тўғрисида, мамлакат тарихидаги энг муҳим воқеалар ҳақида, миллий экономика ва маданиятни ривожлантириш проблемалари ва бу проблемаларни ҳал этиш йўллари тўғрисида, Покистоннинг ташқи снёсати ҳақида ҳикоя қилинади.

Мамлакат ташқи снёсий йўлининг мазмуни ва мақсадларига бағишланган боб «сизни ҳеч ким озод қилмайди: сиз озодлик учун курашмоғингиз керак» деган сўзлар билан бошланади. Покистоннинг ташқи снёсати, деб таъкидлайди Аюбхон, «барча миллатларнинг тенглигини ва барча халқларнинг ўз идеологиясига мувофиқ ўз мамлакатларини бошқариш ҳуқуқини тан олишга асосланади».

Аюбхон ўз китобида турли мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар проблемасига батафсил тўхталиб, 1965 йил апрель ойида совет раҳбарлари билан биринчи учрашувга анча катта ўрин беради. Бу учрашув Покистон ва Совет Иттифоқи давлат арбобларининг биринчи марта бевосита алоқа боғлаганликларидан далолат берди. Совет раҳбарларининг самимийлиги, уларнинг муҳокама этилган проблемаларни жуда чуқур билганликлари Покистон президентида катта таассурот қолдирди. «Менинг фикримча, ҳар иккала томон бу учрашув ўзаро муносабатларимизда бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин эканлигини ва ҳамкорлик қилмоқ учун жуда катта имкониятлар борлигини эътироф этишди». Аюбхон совет экономикаси тез юксалиб бораётганлигини ва совет халқининг турмуш даражаси доим ўсиб бораётганлигини таъкидлаб, мана шунинг учун ҳам СССР янги уруш бошланишидан манфаатдор эмас, деб уқтириб ўтади.

Китоб инглиз тилида ёзилган. Ҳозирги вақтда бу китоб урду, бенгал, араб, форс тилларига шарқ ва гарбнинг бошқа тилларига таржима қилинмоқда.



ҲИНДИСТОН. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Бхилай металлургия заводининг тайёр маҳсулотлар омборида.

ТАСС фотохроникаси.



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. ГДР территориясида вақтинчалик турган Совет Армияси қисмлари жангчиларининг маҳаллий аҳоли билан дўстлиги кундан-кун мустаҳкамланмоқда. Бу ерга келган бир группа совет солдатлари Котбус округидаги иссиқлик электр маркази қурилишида иштирок этмоқдалар. Суратда: совет жангчилари юқори кучланишли кабель ётқизишда немис ишчиларига кўмаклашмоқдалар.

АДН—ТАСС телефотоси.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган кунининг 18 йиллиги вақтларга тўғри келиши муносабати билан бугун Пекинда шиорлар эълон қилинди. Хитой халқининг чинакам революцион ғалабаларини хавф остида қолдирган ҳозирги ХКП раҳбарлари бу шиорларда «маданий революция»нинг амалда бўлмаган ютуқларини кўкларга кўтариб мақтайдилар. Мао Цзэ-дун группасининг ҳамма ҳужжатлари каби бу шиорларда ҳам Советларга қарши қўпол ҳужумлар қилинади.

Синьхуа агентлиги шу кунларда «Мао Цзэ-дун Хэнань, Хубэй, Хунань, Цзянси ва Чжэцзян вилоятларига қилган инспекция сафаридан кейин Пекинга қайтиб келганлигини» дабдаба билан эълон қилди. Чет эл кузатувчилари байрам олдидан қилинган бу сафар ҳозирги вақтда Хитойда ўтказилаётган «буюк бирлашиш» кампанияси билан боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Бу кампания Мао Цзэ-дун тарафдорларини жипслаштириш ва оппозициянинг кучайиб бораётган қаршилигини заифлаштириш йўлидаги уринишдан бошқа бир нарса эмас. Вилоятларда аҳвол кўнгилдагидек деган таассуротни қолдириш учун Мао Цзэ-дун шу сафарга чиққан эди, деган фикрлар ҳам айтилмоқда, вазиятни бу вилоятларда ички нураш кучайиб кетганлиги тўғрисида шу пайтгача ана шу вилоятлардан хабарлар келиб турар эди.

Информация агентликларининг Хитойдан берган хабарлари шовқин-суронлик билан ўтказилаётган «буюк бирлашиш» кампанияси Мао Цзэ-дун тарафдорлари билан унинг муҳолифлари ўртасидаги, хунвэйбинлар билан цзаофанларнинг бир-бирлари билан ўчакишиб юрган группалари ўртасидаги нурашни заифлаштирмаганлигини исбот қилади. Бунинг аксича бир қанча жойларда бу нураш кучайиб кетди. Тор-мор қилинган партия ташкилотлари ўрнига ва ҳокимиятнинг сайлов органлари ўрнига келган турли гуруҳлар «бирлашган ташкилотлар»да раҳбарликни ўз қўлларига олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Хитойдаги вилоят газеталари юқоридан берилган буйруққа мувофиқ ўтказилаётган «буюк бирлашиш» расмият учунгина кўрилган бир тадбир, деб тан олмоқдалар. «Жэньминь жибао» газетасининг ниҳоят «буржуа фракциончилиги»га чек қўйиш керак, деб қайта-қайта қилаётган даъватлари ҳам буни исбот қилади. «Буюк бирлашиш» муносабати билан Пекинда ва бошқа баъзи шаҳарларда ўтказилган намойишларда тўқнашувлар бўлди.

Гуанчжоудан олинган кейинги хабарларга қараганда, ҳарбий маъмурлар марказий темир йўл вокзалини ўз назоратига олганлар. Июль ойининг охиридан буён бу вокзалда ҳар қандай ҳаракат тўхтатиб қолган ва Ухандан келган қочоқлар вокзалнинг эгаллаб олган эдилар. Франс Пресс агентлигининг билдиришича ҳозирги вақтда шаҳарнинг ўзида осойишталик тикланган бўлса ҳам, аммо «Гуандун вилоятининг шарқий қисмида шиддатли тўқнашувлар давом этмоқда». Хитойда чиқадиган «Нэймэнгу жибао» газетаси Мао Цзэ-дун мухолифларининг бир группасидан яна қасос олинганлигини хабар қилди. Ички Монголиянинг Хух-Хото шаҳри «суди» 20 сентябрда икки кишини ўлим жазосига ва уч кишини узоқ муддат билан каторга турмасига ҳукм қилган. Ҳукм қилинганларнинг бири шу жойнинг ўзида қатл этилган. Газета ҳукм қилинганларни «ревизионистлар» ва «контрреволюционерлар» деб атайди ва улар «раис Мао»нинг буюк стратегик планини барбод этишга уринганлар», деб даъво қилади.

Чет эл мухбирлари Гуанчжоуда Пекин мэрининг собиқ ўринбосари ёзувчи У Хань, «Жэньминь жибао» газетасининг собиқ бош редактори Дэн То ва тарихчи Ляо Мо-Ша ўзини-ўзи ўлдирганлигини хабар қилган эълонлар ёпиштириб қўйилганлигини билдирадилар. «Маданий революция» бошланган пайтдан буён одамларни уларнинг ҳар уччаласига қарши қаттиқ гиж-гижлатган эдилар. Ҳалиги эълонларда буларнинг «ўз қилмишларидан тавба-тазар р у қилмай» бир кун ичида ўзларини ўлдирганликлари ҳақида гапирилади. Кейинги вақтларгача улар қамоқда, деб ҳисоблаб келинар эди.

(ТАСС, 25 сентябрь).

КУБА РЕВОЛЮЦИЯСИ ЕНГИЛМАС!

ГАВАНА. Америка давлатлари ташкилотига аъзо бўлиб турган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг Вашингтонда ўтаётган XII маслаҳат кенгашида Кубага қарши тайёрланаётган фитнанинг асосий мақсади Латин Америкаси халқларини эксплуатация қилишни кучайтириш ҳамда Кубага ва Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларга қарши қуролли агрессия учун шароит ҳозирлашдир.

Куба Ташқи ишлар министри Рауль Роа Куба радиосининг мухбири билан қилган суҳбатда ана шу гапларни айтди.

Пентагон вакиллари билан унинг кўпгинчаларни тузаётган ҳамма режалар чиппакка чиқажагига ишонсалар бўлади, деб таъкидлади министр. Куба революцияси енгилмасдир!

(ТАСС).

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

РОЗИ АРМЕН КУЙЛАЙДИ



Рози Армен қўшиқ ижро этмоқда. И. Глауберзон фотоси.

Қўшиқчи куйлайди: халқлар бошига не-не мусибатларни солган, кўркам шаҳарларни ер билан яксон қилган, гўдакларини қон йиғлатган урушга қирғин келсин. Ер юзида ҳар доим тинчлик ҳукм сураверсин. Одамлар чеҳрасидан кулги аримасин. Боғ-роғлар барпо этайлик, гулзорлар яратайлик. Аниқ гуллар инсонларга шавқ-завқ бахш этаверсин. Сира уруш бўлмасин.

Ашула тугайди. Концерт зали ичра қарсаклар янгради. Хонанда қучоғи муаттар ҳид таратаётган гулларга тўлади. Бу уста санъаткорнинг моҳирона чиқишига берилган юксак баҳо эди.

Бу ёқимли, дилрабо қўшиқни Рози Армен ижро этди. У Франция республикасининг таниқли ёш артистларидан. Бу санъаткорнинг доврғи дунёга таралган.

Катта талант эгаси Рози Армен ўзининг ёқимли ва майин хушовози билан, ер юзида тинчликни, чин муҳаббатни, инсонийликни мадҳ этувчи жанговар ва жарангдор қўшиқлари билан ҳаммага бирдек манзур бўлмоқда.

Рози Армен ўз репертуарини янгидан-янги қўшиқлар ҳисобига бойитмоқда. Кўпгина ашулаларини у рус, арман тилларида ижро этмоқда. «Улуғ Россия» қўшиғида севимли диёримиз ерига биринчи марта ташриф буюрган меҳмоннинг илк таассуротлари ифодаланади. Композитор Арман Миже Аннинг «Пастеришак», Хачатурянинг «Ереван» ашуласи, «Севгилим», «Ватанни қўмсаб» каби ашулаларини эшитган ҳар бир киши қўшиқчининг юксак маҳорат эгаси эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Шу кунлари пойтахтимизнинг Свердлов номли концерт зали қўшиқ ихлосмандлари билан гавжум бўлмоқда. Пойтахтимиз томошабинлари севимли меҳмонимиз Францияниг ажойиб артисти, моҳир талант эгаси Рози Арменнинг дилларга ором бахш этувчи қўшиқларини мириқиб тингламоқдалар, қўшиқ соҳиби шаънига чин юракдан олқишлар йўлламоқдалар.

И. ЮСУПОВ.

ПАХТА МЕҲРИ

Пахта деса:—лаббай!—демас.
Киши бўлмас,
Бўлганни ҳам ёзи билан —
Қиши бўлмас.
Пахта меҳри жондек яшар
Пахтасиз ҳеч ҳаёт борми,
Қани, бизда?
Юриш-туриш барча ётар—
Турарда ҳам,
Гул турмушнинг нашъасини
Сурарда ҳам,
Пахта деймиз, ош-нонимиз
Шу, пахтадир.
Давримизнинг талаби ҳам,
Шу ҳақдадир.
Кўкка учсак қанотимиз
Шу пахтаой
Рўзғоримиз қўри-қути
Ўтиш, мой.
Кийим-кечак, неки орзу —
Уйимиз бор.
Келди-кетди — меҳмон-излом
Тўйимиз бор.
Ҳатто дафтар-китоб ўқиш —
Қуроллари,
Шу пахтадан, англар буни
Ёшу, қари.
Экинларнинг олтинга тенг
Қиммати бу,
Ўзбек элин қалбдан чиққан
Ҳиммати бу...
Бугун ҳамма унинг ишқи
Билан яшар.
Мўл ҳосилдан осмонга тенг
Тоғлар ясар.
Машиналар суръатига
Суръат қўшиб,
Қизғин меҳнат қучоғида
Қайнар жўшиб.
Теримчилар турна қатор
Этак тутган,
Зўр беришиб шу пахтадан
Бахтин кутган.
Эрта тонгдан дала томон
Йўл олишар,
Зафар қучиб, толе билан
Қўл олишар.
Пахта бизнинг виқоримиз,
Бойлигимиз.
Обрўйимиз, қудратимиз,
Борлигимиз.

Толиб ЙЎЛДОШ.

ТЕМИР ВА ГУЛ

Бошқа-бошқа нарса темир билан гул
Лекин бор уларнинг муштараклиги.
Иккиси ҳаётнинг ўзагидир, бил,
Иккиси ҳаётнинг энг кераклиги.
Темирдан қўйилиб трактор, омоч,
Ерлар ҳайдалади, қилинар шудгор.
Уларнинг изидан топиб тез ривож
Гуркираб яшнайди бугдойзор, гулзор.
Дастгоҳлар жиловин бурган ишчи қўл
Темирни япроқдай эзар, яссилар.
Агар севгилиси тутса даста гул
Уни меҳр билан авайлар, асрар.
Яқин нарса экан иккиси демак,
Сув, ҳаводай зарур бизга ҳар бири.
Гулни нафосатнинг белгиси десак,
Матонат белгиси деймиз темирни.

Хайриддин САЛОҲ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телеянгиликлар**.

Ўзбек тилида: 18.15 — **Ер ва эл** (тележурнал), 18.55 — **«Зангори кема» яратувчилари** («Октябрь» программаси); 19.20 — **Ўзбек куйлари**, 20.10 — **Телеянгиликлар**, 20.25 — **Эшиттиришлар программаси**.

20.30 дан **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 —**Совға** (болалар учун) мультфильм), 18.10 — **Сеннинг устахоналар** (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — **Биринчи йўл очганлар** (илмий-оммабоп фильм), 18.50 — **Янгиликлар**, 19.00 — **Менинг Ўзбекистоним** (мусиқали-адабий композиция).

19.45 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.30 — **Юбилей вахтасида**, 20.50 — **Совет Шарқи халқ ҳофизлари ва чолғучилари ижросида концерт**, 21.30 — **Телеянгиликлар**, 21.40 — **Оқ карвон** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 —**Ҳайвонлар учун жаннат** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 18.20 — **Арсеньев изидан** (ҳужжатли фильм), 18.30 — **Алдар нўса** (бадиий фильм), 20.25 — Жорж Бизе. **Кармен** (операдан саҳналар), 21.30 — А. Н. Островский. **Талантлар ва мухлислар** (фильм-спектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/IX да **Спартак**, 28/IX да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IX да **Аяжонларим**, 28/IX да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/IX да **Бағри тош**, 26/IX да **Ўғил уйлантириш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Анна Русских раҳбарлигида лилипут цирк артистларининг юбилей программаси.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Тоғдаги учрашув — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Учинчи король қаерда? —МОСКВА» кундуз ва кечқурун).

Темирчининг байроғи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 4 да).

Фантомас (1 ва 2-серия—САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

Тоғдаги учрашув — «ФЕСТИВАЛЬ».

Учинчи король қаерда? — «ХИВА».

ТОМОША ҚИЛИНГ
2 октябрдан
САНЪАТ САРОЙИДА
янги рангли кенг форматли бадиий фильм **М. Лермонтов**
ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ
(1 ва 2-серия)

М. Горький номли киностудия маҳсулоти.

Ролларда: **В. Ивашов, С. Берова, А. Чернов, А. Орлов, С. Мамилов, С. Светличная, Н. Бурляев** ва бошқалар.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Сеанслар кундуз соат 2, 5 ярим, кеч 9 да, якшанба кунлари-эрталаб 10 ярим, кундуз 2, 5 ярим ва кеч 9 да бошланади.

Олдин сотиб олинган билетлар ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ СИЁСИЙ, АДАБИЙ-БАДИИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ВА БЕЛЛАКЛИ ЖУРНАЛИ

„ГУЛИСТОН“ га

ОБУНА БОШЛАНДИ

Бир йилга
3 сўм 60 тийин
Бир сони
30 тийин

Обуна барча алоқа бўлимларида ва жамоатчи обуначилар томонидан қабул қилинади. «Гулистон»га обуна чекланмаган.

«Гулистон»га ўз вақтида обуна бўлмаган армонда қолади.

ИШГА ТАКЛИФ:

А. НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРГА

рекламачи-рассом, бухгалтерлар, хўжалик мудири, бино коменданти, тинчувчилар, шунингдек театр солистлари учун квартиралар

КЕРАК

Театрнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«Электромонтаж»нинг ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

бригадирлар, электромонтёр—монтажчилар, электромонтёр—монтажчи касбига ўқитиш учун шогирдлар, кабель ётқизувчи ишчилар, ёрдамчи ишчилар ва ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Черкасск кўчаси, кадрлар бўлими (1, 2, 4, 20, 22, 41, 74, 78 автобусларнинг «Салор» тўхташ жойи).

УзССР Министрлар Советининг кинематография бўйича Давлат Комитетининг

МАХСУС ЛОЙИҲА-СМЕТА ТЕХНОЛОГИК-КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

катта бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 1-квартал, Пионер кўчаси, 22 уй.

«Союзтелефонстрой» трестининг

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкентда ва бошқа жойларда ишлаш учун:

алоқа монтёрлари, қалайловчилар, сим линияларини ўтказувчилар, машинистлар, автокранчилар, экскаваторчилар, ҳамда

Тошкентда ишлаш учун:

бухгалтерлар, секретарь-машинистка, 4—5 разрядли автослесарлар, ер қазувчилар юк машинаси шоферлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 86 уй (2-трамвай, 9-автобуснинг «Геологоразведка» тўхташ жойи). Телефон № Б-8-16-16.

Гаракс адреси: Куйбишев шоссеси, 15 уй.

МАХСУСЛАШТИРИЛГАН 93-ТРЕСТГА

Бош бухгалтер, катта бухгалтер ревизор, меҳнат ва маош бўйича катта инженер, бош технолог, юрист-консуль, ишлаб чиқариш бўлими ва лойиҳа группаси катта инженерлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Апанасенко кўчаси, 35-уй, телефон В-3-88-63.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 9-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

15—25 ёшдаги 8—10 синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган ёшлар бир йиллик ёки уч йиллик ўқишга қабул қилинадилар.

Билим юрти ямотяпчилар, ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовачилар тайёрлайди.

Ўқувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

«ТАШПРОМКОММУНГАЗ» ТРЕСТИ

газ хўжалиги бўйича слесарлар тайёрлайдиган

БИР ОЙЛИК КУРСГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

18 ёшдан бошлаб йигит ва қизлар қабул қилинади, шунингдек шоферлар, кранчилар, курьер, машинистка ва экскаваторчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уй, кадрлар бўлимига мурожаат этилсин.

Тошкент янгиликлари

АТЕИСТЛАР САФАРДА

Тошкент илмий атеизм музейи аҳоли ўртасида илмий атеистик темаларда ҳар хил қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказаётир. Яқинда музейнинг бир группа илмий ходимлари Сирдарё областининг Гулистон, Пахтаорол районларида бўлиб, аҳоли ўртасида қизиқарли темаларда лекциялар ўқишди. Илмий ходимлардан Ф. Исҳоқов, С. Градес, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ходими К. Махсумов ўртоқлар «Дунёнинг охири борми?», «Диний қолдиқларнинг сақланиш сабаблари», «Фанимиз халқ хизматида» каби темаларда бир неча суҳбатлар ўтказишди. Суҳбат ва лекциядан кейин илмий-атеистик темада кинофильмлар намойиш қилинди.

Куни кеча музейнинг бир группа илмий ходимлари областимизнинг Оққўрғон ва Бўка район пахтакорлари хизматига жўнаб кетишди.

ЮБИЛЕЙ СПЕКТАКЛЛАРИ

Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри кейинги йилларда ажойиб спектаклар кўрсатиб, кўпчиликни хурсанд қилаяпти. Талантли коллектив яқинда М. Каримовнинг «Ўн саккиз ёшдагима спектаклини кўрсатди. Бу спектаклнинг тарбиявий роли каттадир.

Ижодий коллектив Совет Иттифоқининг 50 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун бир неча янги спектакларни саҳналаштиради. Улар орасида А. Фадеевнинг «Ёш гвардия», Ёнгин Мирзанинг «Иқбол» драматик асари бор. Бу юбилей спектаклари ёшларимизни мардликка, самимийликка ва одобга чақиради.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

НИШОНДОР ПОЧТАЛЬОН

Музаффар ака елкасидаги сумкадан бу хонадонга тегишли газета ва журнални олди-да, эшикдаги қутига ташлаётганда ичкаридан овоз эшитилди:

— Қани бу ёққа, бир пиёла чой ичиб кетинг.

Почтальон эшикни аста очиб миннатдорчилик билдирди.

— Ҳар доим шошганингизни шошган экан-да,— деди уй эгаси саломлашгани қўл узатар экан.

— Хизматчилик. Мана бу газета, журнал, хатларни эгаларига барвақтроқ топширай дейман.

— Музаффархон, сиздан бир илтимос. Вақт топиб алоқа бўлимига бороламайман. Бир-иккита газета ва журналга ёзилмоқчи эдим...

— Жоним билан. Қайси газета ва журналларга ёзилмоқчисиз?...

Кечқурун М. Муксимов Эгарчи кўча Оталиқ проездидаги 61-уйда яшовчи Валиевлар хонадонига бир неча квитанция ташлаб кетди. Энди бу онла аъзолари янги йилдан «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» газеталарини, «Фан ва турмуш» журналини мунтазам ўқиб борадилар.

34-алоқа бўлимининг нишондор почтальони М. Мухсимов мана 22 йилдирки, хонадонларга хушхабар элтмоқда. Ҳозирда у ҳар куни 500 дан ортиқ турли газета, 200 га яқин хат ва ўнлаб журналларни тарқатмоқда. Агар бу почтальоннинг шу кунгача қанча йўл босганини ва неча хушхабар элтганини ҳисоблаб чиқмоқчи бўлсангиз, рақамлар сўзлашга ожизлик қилади.

Меҳнат М. Мухсимовга бахт, обрў келтирди. Унинг ҳалол меҳнатлари муносиб тақдирланди. Ўтган йили доимгдор почтальон «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Музаффар ака СССР Алоқа министрлигининг «Социалистик мусобақа аълочиси» значоги ва Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Фахрий ёрлиқларини олишга муяссар бўлган.

Алоқа бўлимидамиз. Сараловчилар Ш. Умарова билан Э. Мусаевларнинг қўли қўлига тегмайди. Зум ўтмай ҳозиргина келтирилган почта саралаб бўлинди. Газета ва журналлар, хатлар шкафдаги хоналарга терилди. Почтальонлар бирин-кетин ўзларига тегишли газеталарни сумкаларига солиб, участкалари томон йўлга туша бошлашди. Коммунистик меҳнат зарбдорлари С. Ажигалиев, К. Сайдкаримов, Ш. Яшунина, Г. Булатовалар яна кўча бўйлаб хушхабар элтишади. Булар орасида ўз касбини севган М. Мухсимов ҳам бор. Уни Октябрь районидаги Хизматчи ва Эгарчи кўчаларида яшовчи хонадонлар кутаяпти.

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Суратда: почтальон М. Мухсимов.

А. Абалян фотоси.

ОМАДНИ ҚАЕРДА „СИНАШ“ МУМКИН

Кузги ов мавсумининг бошланганига ҳам бир ҳафтадан ошиб қолди. Ез бўйи мойлаб, осиб қўйилган милтиқлар яна «тилга» кирди, қармокларнинг игни эшилиб, сувга ташланди. Қисқаси, овчи ва балиқчилар сабрсизлик билан кутган дамлари бошланди.

Ҳозир областимизнинг қайси бир хўжалигига борманг, қизғин ов палласининг устидан чиқасиз. Аммо «ўлжа» ишқида биринчи бор қўлига милтиқ ушлаган ҳаваскор овчи ёки балиқчилар бахтни қаерда «синаб» кўришни билмай, хунобларни ошиб-ёрган бўлишлари ҳам мумкин. Шунинг учун бугун уларга айрим маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериб ўтишни лозим топдик.

Тошкент область овчилик ва балиқчилик спорт жамияти ўз атрофига 15 мингдан ортиқ табиат ошиқларини бирлаштирган. Лекин овга, балиқчиликка қизиқувчилар сони тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Жамият қарамоғида учта сувда сузувчи парранда ўрдак, ғоз ва қашқалдоқ хўжалиги бор. Булар Арнасой, Корейс посёлкаси (Сирдарё область, Киров раонида) ва Сретинка (Бекободда) хўжаликларидир. Бу ерларда парранда овлаш билан бир қаторда бемалол балиқ тутиш ҳам мумкин. Кўл ва ҳавзаларда балиқлар «гиж-гиж» бўлиб ётибди. Қармоқни ташладингизми, икки-уч минут ўтмай ўнкак шиддат билан сувга шўнгийди.

Каклик овига ишқибозлар эса Иртишсой, Оҳангарон ҳамда Бўстонлиқдаги Билдирсой хўжаликларига чиқишлари лозим. Лекин ҳозирча, бу ерларда мавсум бошланганча йўқ 15 октябрдан овга рухсат этилади. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу хўжаликларда фақат каклик отилмай, товушқон (қуён), тулки, бўрсуқ шунингдек, йирик ҳайвонлардан тўнғиз, бўри, ҳатто, айиқларни ҳам овлаш мумкин. Шунинг учун овга тайёргарлик кўраётган ўртоқлар ўқдонларга йирик ўқлардан солиб олишни унутмасликлари лозим.

Ҳўш, область жамияти мавсумга қандай тайёргарлик кўрди-ю, овчи ва балиқчиларга қандай шарт-шароитлар яратиб берилди?

Аввало, барча хўжаликлар ихтиёридаги меҳмонхоналар сифатли ремонтдан чиқарилиб, чойшаб, одеял ва тўшаклар билан беками-кўст таъминланди. Ҳатто овчилар отиб олган парандалардан шу ернинг ўзида шўрва қилишлари учун қозонтовоқ сотиб олинди. Арнасой хўжалигида 60 ўринли меҳмонхонадан ташқари қўшимча 30 киши дам оладиган пешайвон қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, овчилар кийимларини қуритиш учун энди махсус сушилкадан фойдаланадилар.

Область овчилик ва балиқчилик спорт жамиятининг яна бир қилган намунали иши — машина қатновини яхшилаш бўлди. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилгани сабабли ҳар жума куни кечқурун махсус автобус ҳамда юк ташувчи машиналар овчиларни белгиланган жойга олиб бориб, дам олиш куни қайтариб келтирмоқда.

Эслатма тариқасида кунлик ов нормасини ҳам айтиб ўтайлик. Овчилик ҳужжатига эга бўлган кишилар бир кунда ўнта ўрдак, ўнта чуррак ва иккита ғоз овлашлари, балиқчилар эса беш килограмдан балиқ тутишлари мумкин.

Я. САЛИМОВ,

Овчи блокнотидан

АЖОЙИБ КАШФИЁТЛАР

⊙ Кўпгина касалликлар, айниқса бошланиш даврида, яширин ҳолда улғаяди, бу эса касалликни аниқлаш ва даволашни қийинлаштиради. Ана шундай ҳолларда врачлар пункциядан қўлланадилар. Бу метод бўйича, махсус игна билан касалланган органдан бир чимдим эт ёки суюқлик олинади. А. Мясников номидаги терапия институтида пункция методи бўйича диагноз қўйиш қийин бўлган касалликлардан бири — буйрак касаллиги (гипертония билан бирга кечади бу касаллик) ўрганилмоқда.

⊙ Аксари юқори кислоталик қорин ва ўн икки бармоқли ичак яраларига қарши ишлатиладиган янги препарат—викалр деб аталади. Викалр таблеткаси таркибида висмут, магний, натрий ва бошқа айрим шифобахш ўсимлик моддалари бордир. Янги препарат билан даволаш муддати 1—2 ойга чўзилади. Препарат болаларга тескари таъсир кўрсатади.

⊙ Ультра товуш тебранишларига жавобан бизнинг организмимиз ўзидан қандайдир «вкс садо» чиқаради, яъни жавоб тўлқинлари юборади. Шу тўлқинларни махсус қурилма — эхоэнцефалограф ёрдамида тутиб олса бўлади. Шу типдаги янги аппарат — «ЭХО-11» Бутуниттифоқ медицина асбобсозлиги институтида яратилди. Аппарат организм ичкарисида пайдо бўлаётган касалликларни, масалан, шишларни ажрата олади, ундан она қорнидаги ҳомиланинг аҳволини ўрганишда фойдаланса ҳам бўлади.

⊙ Кавказнинг Қора денгиз қирғоғига жойлашган совхозлардан бирида касалхоналар, санаторий ва дам олиш уйларини бедана тухуми ва гўшти билан таъминлаб турувчи ферма бор. Медиклар кам қонлик, сил, астма, ошқозон яраси, юрак функциясининг бузилиши каби касалликларни даволашда бедана гўшти ва тухумининг шифобахш хусусиятлари борлигини аниқладилар. Атиги 10—11 грамм келадиган бедана тухумида саломатликка хизмат қиладиган жуда актив стимуляторлар бор экан. Битта шундай тухумдаги стимулятор миқдорни 5 дона товуқ тухумидаги стимулятор миқдорига баробар келади. Хонаки бедана гўшти ҳам ўз сифати жиҳатидан бошқа паррандалар гўштидан устун туради.

1968 ЙИЛ УЧУН

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга—5 сўм 28 тийин, олти ойга—2 сўм 64 тийин, уч ойга—1 сўм 32 тийин.

ГАЗЕТАГА «СОЮЗПЕЧАТЬ» БЎЛИМЛАРИДА, ОБУНА ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЁЗИЛИШ МУМКИН.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В31232, Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—В 35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02129. Индекс — 64697. А. 1754.